

---

## “Очиқ бюджет” лойиҳасида ғалиб бўлган маҳаллаларда асфальтлаш ишлари бошланди

Ўзбекистон туманида 2022 йилги “Ташаббусли бюджет” жараёнининг илк босқичида ғалиб бўлган 6 та маҳаллаларда 11,2 км. масофадаги ички йўллар асфальтланиши белгиланган.

“Кўл Элаш”, “Шакаробод”, “Мўйи муборак”, “Ўқчи”, “Янгиҳаёт” ва “Учбулак” маҳаллаларидан илгари сурилган ва ғалиб деб топилган ташаббуслар асосида ушбу ҳудудларнинг баъзиларида амалий ишлар бошланди.



Хусусан, шу кунгача “Ўқчи” маҳалласида 500 метр асфальт ётқизиш ишлари тўлиқ бажарилди.

Лойиҳа доирасида “Кўл Элаш” маҳалла фуқаролар йиғинининг эса жами 2750 метр ички йўлларини асфальтлаш кўзда тутилган бўлиб, маҳалладаги “Дўстлик” кўчасига бугуннинг ўзида 500 метр асфальт қопламаси ётқизилди.



---

Бюджет жараёнидаги фуқаролар иштироки ва ташаббуси асосида шакллантирилган лойиҳалар ижроси жойларда давом этмоқда.

**Ўзбекистон тумани ҳокимлиги**

2022-06-09 21:40:22